

Эгаси ғойиб ҳақ тўғрисида

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф



15:55 / 17.03.2020 2951

Савол:

Бу воқеа ўн беш йиллар олдин бўлиб ўтган эди. Мен мактабда ўқиган кезларимда бир дўкондан ҳар куни ширинлик харид қилар эдим. Пулим етмаганлиги сабабли мен учун арзимас бўлган миқдорда қарздор бўлиб қолар эдим. Йиллар ўтгач, ақлимни таниб, ўша дўкондордан қарздор эканлигимни тушуниб етдим. Қарзни узай десам, у одам ўша ерда ишламайди. Мен энди нима қилишим керак?

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аввало, мана шу арзимас деб аталган, тийинлардан тўпланиб қолган маълум бир қарзни сўрамаса ҳам эгаси орқасидан қувиб адо этиш лозим эканлигини ҳис этгани учун бу мухлисимизга ташаккур изҳор этамиз. Албатта, Ислом динига ошно бўлгандан кейин, динимиз кўрсатмаларини билгандан кейин, шундай улкан масъулиятни ҳис этишнинг ўзи улуғ бир неъмат ҳисобланади. Мана шу қарзнинг эгаси йўқ. Уни келиб сўрамайди ҳам. Қарздор ўзича уриниб, қидириб, эгасини топиб, қарзни берай деб, қанча ҳаракат қилса ҳам тополмайди. Чунки у одамнинг қаерда

эканлигини ва нима бўлганлигини билиб бўлмайди. Бундай ҳолатларда нима қилинади?

Уламоларимиз бундай ҳолатларда иложи борича ҳақ эгасини излаб топиш, суриштиришни тавсия қиладилар. Лекин излаб топишнинг иложи бўлмаса, ўша ҳақдорга берадиган миқдордаги маблағ бева-бечора, камбағалларга ўша ҳақ эгасининг номидан берилади. Шунда ҳақ унинг бўйнида қолмаган бўлади.

Оз бўлса-да, бировнинг ҳаққи бор, шуни адо этишим керак, деган маънода савол бериб, ҳаракат қилган кишиларнинг ичимизда борлиги ҳаммани хурсанд қилади. Чунки бировнинг ҳаққини ейиш, у хоҳ оз бўлсин, хоҳ кўп бўлсин, катта гуноҳ ҳисобланади. Мана шуни ҳаммамиз тушуниб этишимиз керак. Афсуски, охириги пайтда буни ҳис этиб, амал қиладиган кишиларимиз камайиб кетмоқда. Лекин мана бу саволнинг берилиши орамизда бундай одамлар борлигидан гувоҳлик беради ва улардан ўртак олишимиз керак.

Валлоҳу аълам.

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан